

4-1-2020

FOREIGN EXPERIENCE OF RISK INSURANCE OF PRIVATE AND SMALL BUSINESS

K. Karimova

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Karimova, K. (2020) "FOREIGN EXPERIENCE OF RISK INSURANCE OF PRIVATE AND SMALL BUSINESS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ХУСУСИЙ ВА КИЧИК БИЗНЕС РИСКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Мазкур мақолада хусусий ва кичик бизнес рискларини суғурталашда хорижий мамлакатлар амалиёти таҳлил қилинган. Кичик ва ўрта бизнеси давлат томонидан қўллаб-қуватлаш, хусусан суғурта институти имкониятларини кенг қўллаш механизмлари ўрганилган. Миллий суғурта тизимида тадбиркорлик рискларини суғурталаш борасидаги муаммолар тизимлаштирилган ва уларни ечимлари бўйича тавсиялар келтирилган. Шунингдек, хусусий ва кичик бизнес рискларини суғурталаш амалиётини такомиллаштириш борасида таклифлар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, хусусий ва кичик бизнес, суғурта маҳсулотлари, тадбиркорлик рисклари, суғурта қопламаси.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СТРАХОВАНИЯ РИСКОВ ЧАСТНОГО И МАЛОГО БИЗНЕСА

В данной статье анализируется практика зарубежных стран по страхованию рисков частного и малого бизнеса. Изучены механизмы государственной поддержки малого и среднего бизнеса, в частности широкое использование потенциала страхового института. Систематизированы проблемы страхования предпринимательских рисков в национальной системе страхования и даны рекомендации по их решению. Есть также предложения по улучшению практики страхования рисков частного и малого бизнеса.

Ключевые слова: страхование, частный и малый бизнес, страховые продукты, предпринимательские риски, страховое покрытие.

FOREIGN EXPERIENCE OF RISK INSURANCE OF PRIVATE AND SMALL BUSINESS

This article analyses the practice of foreign countries on the insurance of risks of private and small businesses. The mechanisms of state support for small and medium-sized businesses, in particular, the widespread use of the potential of the insurance institute were studied. The problems of insurance of business risks in the national insurance system are systematized and recommendations for their solution are given. There are also suggestions for improving the practice of private and small business risk insurance.

Key words: insurance, private and small business, insurance products, entrepreneurial risks, insurance coverage.

Кириш

Бошқаришнинг бозор тизимига асосланган ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес муҳим рол ўйнайди. Ўтиш иқтисодиёти шароитида муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни беқиёсдир. Давлатдан катта ҳаражатларни талаб қилмасдан кичик ва ўрта бизнес мамлакатдаги ижтимоий вазиятни барқарорлаштиради, ижтимоий танглик ва бандлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади.

Кичик ва ўрта бизнеснинг миллий иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:

- Япли маҳсулотнинг ўсиши;
- солиқ тушумларининг ошиши;
- иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни таъминловчи рақобатнинг кучайиши;
- иқтисодий модернизация жараёнларининг жадаллашиши.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, кичик корхоналар кичик зарарлар билан мустақил равишда кўраша олишида, аммо катта молиявий йўқотишлар бўлган тақдирда уларнинг бизнес фаолиятлари банкротликка учраши табиийдир. Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий жиҳатдан беқарор хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб, ҳозирги иқтисодий шароитда улар фаолиятлари домий равишда рискларга дуч келишмоқда. Демак, кичик корхоналар ва тадбиркорларда ўзларининг мол-мулк ва бошқа мулкый манфаатларини суғурталашга объектив равишда эҳтиёж бор. Бироқ, баъзида суғурта компаниялари кичик бизнес субъектлари учун номақбул бўлган суғурта хизматларини таклиф қилишади. Компаниялар томонидан белгаланган суғурта тариф ставкалари жуда юқорилиги ва проварда эса кичик бизнес тадбиркорлари суғурта қилиш эътиборидан четда қолиб кетишмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Кичик ва ўрта корхоналарнинг молиявий, иқтисодий маблағлари чекланганлигини ҳисоби улар ҳар доим ҳам рискларни бошқаришга эътибор беришмайди. Табиийки бунинг натижасида улар молиявий йўқотишларни бошидан кечириши мумкин, баъзида эса бир қарашда муваффақиятли фаолият юритаётган корхоналар қисқа вақт ичида ёпилиб кетишмоқда.

Суғурта рискни камайтиришнинг энг муқобил ва кенгтарқалган усуллари билан биридир. Унинг ёрдами билан корхона деярли барча мулкларини, шунингдек кўплаб сиёсий, кредит, тижорат ва ишлаб чиқариш рискларини минималлаштириш мумкин. Муаммо шундаки, суғурта компаниялари билан муносабатлар стратегиясини белгиловчи корхона суғурта бозорини яхши билиши ва ҳар бир қабул қилинаётган қарорига мос муқобил суғурта шартномасини танлаши керак [1].

Замонавий бизнес юритиш ҳар хил рисклар билан чамбарчас боғлиқ, бу юридик шахслар учун ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам бир хил амал қилади. Ўз фаолиятини энди бошлаётган ҳар қандай якка тартибдаги тадбиркор ёки маълум тажрибага эга ва самарали фаолият юритаётган компания раҳбари учун ҳам тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган хатарларни билиши, тушиниши ва бошқариш қобилияти зарурдир. Юридик шахслар – ташкилот ва корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар ўз фаолиятини ҳар қандай соҳада амалга ошириш имкониятига эга. У эса ўз навбатида табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисалардан тортиб тадбиркорлик рискларигача ҳар хил рисклар билан боғлиқдир.

Бундай шароитда суғурта муваффақиятли бизнес учун зарурий шарт деб ҳисобланиши мумкин, чунки бу бизга корхонанинг молиявий барқарорлигига

таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ва уларнинг таъсирини минималлаштиришга имкон беради [2].

Тадбиркорлик рискларини бошқариш усулларидан бири бу суғуртадир. Кичик бизнесни суғурталаш зарурияти унинг ўзига хос бўлган учта асосий хусусият билан изоҳланади[3]:

- 1) паст молиявий барқарорлик;
- 2) чекланган молиявий захиралар;
- 3) доимий ривожланиш зарурати.

Тадбиркорлик билан шуғулланиб биз ҳеч қачон рискларни тўлиқ бартараф эта олмаймиз, аммо салбий омилларни биз тегишли чора-тадбирлар ёрдамида уларни камайтиришимиз мумкин бўлади. Кичик бизнес раҳбарияти бошқарувда рискларни бошқа субъектларга бериш, захиралар яратиш, кўшимча маълумотларни олиш ва ҳоказоларни ўз ичига олган фаол ёндашувни танлаши мумкин. Бу рискларнинг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган ҳар қандай фаолият билан тўлдиришлари мумкин, масалан диверсификация, рискларни тақсимлаш ва суғурталаш [4].

Рискларни бошқариш муаммоси бу ҳар қандай компаниянинг иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларидаги фаолиятининг энг муҳим жиҳати, шунингдек бу муаммо тадбиркорнинг кундалик вазифаси ва доимий бош оғриғи ҳисобланади. Баъзида корхона раҳбарияти ходимлардан рискни тўлиқ йўқ қилиш, риск зонасидан ташқарида фаолият юритиш ва рискни нолга теглаштириш талаб қилади. Афсуски, рискни бутунлай йўқ қилишнинг иложи йўқ. Юқорида рискни тадбиркорликнинг ажралмас қисми ва фаолиятнинг асоси эканлигини таъкидланди. Агар тадбиркорликда савдо, молиявий ва иқтисодий муносабатлар мавжуд бўлса, унда иқтисодий рисклар алббата юзага келади [5].

Хорижда мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес муваффақиятли ривожланмоқда ва доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда давлат кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди, балки уни такомиллаштиришнинг тарафдори ва фаол ёрдамчисидир. Кичик ва ўрта бизнесга давлат даражасида катта ёрдам кўрсатилади, кўплаб имтиёзлар тақдим этилади, шу жумладан суғурта соҳаси орқали ҳам ва бу амалиётда ўз исботини топиб келмоқда [6].

Таҳлил ва натижалар

Бугунги жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес фаолияти тўхтаб қолиши, узилишлар ва банкротликаа олиб келадиган мураккаб ички ва ташқи таҳдидларга дуч келмоқда. Улар ташқи ва ички риск омилларига жуда сезгир бўлишади. Аслида, кичик бизнеснинг фоиздан ортиғи ўз фаолиятини бирчи йилда, 95 фоизи биринчи беш йилда тугатилиб кетади [7]. Уларнинг ташқи ва ички омиллар таъсиридан заифлиги сабабли иқтисодиётнинг ушбу секторини бутун дунёда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаравонлик учун жуда муҳимдир. Масалан, АҚШ сингари дунёдаги энг катта иқтисодиётда, кичик бизнес корхоналари – 500 ишчидан кам бўлганлар, булар асосий янги иш ўринларни яратувчилар, шунингдек хусусий сектор ишчи кучларининг ярмига

ишберувчилардир ва соҳага инновацияларнинг катта қисмини жорий этадиганлар ҳисобланишади [8].

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес жадал суръатлар билан ривожланмоқда, сабаби миллий ҳокимият органлари бундай корхоналарга катта эътибор беришмоқда ва уларнинг ривожланиши учун ҳар томонлама кўмак беришмоқда, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қуватлаш бўйича кўплаб дастурларни ишлаб чиқиш ва имтиёزلарни тақдим қилишмоқдалар. Бундай мамлакатлар ҳаётида кичик ва ўрта бизнес жуда муҳим иқтисодий ва ижтимоий рол ўйнайди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес синфи иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади ва аҳолининг каттагина қисмини иш билан таъминлайди. Бу мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50-70 фоизини кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чиқаради.

Тадбиркорлик рискларнинг таъсир оқибатлари натижасида корхона молиявий юқотишларни бошидан кечириши, улар ҳатто пухта ишлаб чиқилган корхона бюджетини йўққа чиқариши ва баъзида эса бизнеснинг ёпилишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай қилиб, кичик бизнес корхоналари иқтисодиётда катта ҳажмда (оммавий) ишлаб чиқариш ва унинг қамровлиги натижасидан фойда олишда қанташа олмайдилар, шу сабабли дунёнинг кўплаб мамлакатларида уларнинг ривожланиши қўллаб-қўвватланмоқда.

Масалан, Россияда тадбиркорлани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шаклларида бири бу кичик бизнес субъектлари учун имтиёзли суғурта дастурлари ишлаб чиқилган, яъни тадбиркорларни суғурта қилиш имтиёзли шартларда амалга оширилади. Шу билан бирга, кичик бизнесни суғурталовчи суғурта компаниялари мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда имтиёзларга эга бўладилар [9].

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ривожланган мамлакатлар аҳолисининг суғурта маданияти юқори бўлишига қарамай, аксарият мамлакатларда тадбиркорлар ўз бизнес фаолиятларини суғурталаш имкониятлари ҳақида билишмайди. Масалан, Европадаги кичик ва ўрта корхоналарнинг камида учдан бири (30%) ўз бизнесининг жавобгарлигини суғурталасалар унда ҳар қандай профессионал хатолар уларни кўплаб суд жараёнларига домига тортиб кетади деб ўйлашади. Бундай ҳулоса Hiscox суғурта компанияси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жавобгарлигини суғурталаш бўйича ўтказилган биринчи тадқиқотлари натижасида юза келган. Бундан шундай ҳулоса қилиш мумкинки суғурта соҳаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда улар рискларини суғурталашни ўргатиш (ўқитиш) бўйича кўплаб амалий ишларни олиб боришлари мумкинлиги таъкидланган.

Hiscox суғурта компанияси мутахассислари томонидан ўтказилган иккинчи тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Буюк Британия, Германия, Франция ва Голландиядаги 1000 та кичик бизнес эгаларининг атиги 22% мавжуд суғурта турлари ва қандай рискларни суғурталаш мумкинлиги тўғрисида маълумотларга эга эдилар. Суғурталаш тўғрисидаги ва унинг имкониятларини яхшироқ тушинадиган Германия кичик бизнесининг

33 фоизига нисбатан Буюк Британиянинг кичик бизнеси учун бу рақамлар энг паст (19%) эди. Бундан ташқари олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра Европа Иттифоқининг кам сонли кичик бизнес корхоналари (9%) суғуртани уларга бизнесда кўпроқ рискларни олиш имкониятини беришнинг бир усули деб билишади, чунки тадбиркорликнинг моҳияти riskли фаолиятдир шу сабабдан тўғри танланган суғурта уларга рискларни бошқаришга ёрдам беради [10].

Жаҳон амалиётида тадбиркорлик рискларини суғурталаш жараёни аслида ўзига хос хусусиятига эгадир. Анъанавий суғурта турларининг мавжудлигига қарамай Европа бизнеси кўпинча ўзини-ўзи суғурталаш механизмларидан кенг фойдаланади. Европа мамлакатлари амалиётида тижорат фаолиятини суғурталашга муқобил равишда кэптив суғурта (captive insurance) бозори кенг ривож топган. Кэптив суғурта йирик компаниялар фаолияти учун одатий ҳол бўлиб, уларнинг ҳажми бўйича ўз рискларини суғурталаш учун ташкил этилади. Ўзини-ўзи суғурталаш кичик бизнесга хос бўлган суғурта фаолият туридир, бунда улар ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этишлари ва ўз фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда рискларни суғурталайдилар. Бу жамоавий ўзини-ўзи суғурталашнинг бир шаклидир.

Агар бизнесни суғурталашнинг Европа амалиётига назар ташласак бундай суғурта тизими ривожланган суғурта бозорига эга дунёнинг аксарият мамлакатларига хос бўлган тажриба эканлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга АҚШ тижорат рискларини суғурталаш амалиётида суғуртанинг ушбу сектори нисбатан ривожланганлиги кўришимиз мумкин. АҚШда аксарият кичик бизнес эгалари кичик бизнесни суғурталаш бўйича (BOP – Business Owner's Policy) махсус пакетни сотиб олишади. Кўпинча бу алоҳида рисклар бўйича суғурта полисларини харид қилишдан кўра анчагина арзон ҳисобланади. Кўпгина суғурта компаниялари маълум турдаги бизнес эгалари учун BOPни мослаштириб боришади. Бироқ, BOP касбий жаваобгарликни, транспорт воситаларини суғурталаш, соғлиқни суғурталаш ёки меҳнат қобилиятини суғурталашни ўз ичига олмайди, буларнинг барчасига алоҳида суғурта полисларини сотиб олишни талаб қилади. Бунга қарамай АҚШда ҳамма кичик бизнес корхоналарига BOP суғурталаш дастурлари тўғри келмайди. Уй бизнеси ёки бир неча ишчи ходимлари бўлган кичик бизнеслар BOPдан бошлаши мумкин ва кейинчалик эса бизнеснинг кенгайиши сари тижорат рискларига қарши кенг қамровли суғурта хизматларини сотиб олишлари мумкин бўлади.

Сўнги пайтларда жаҳон амалиётида ривожланаётган мамлакатлар орасида микромолия институтлари кенг тарқалмоқда, уларнинг мақсади аҳолининг кам таъминланган қатламига кенг қамровли молиявий хизматларни тақдим қилишдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, микросуғурта микромолиялаштиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Микросуғурта деганда умумий суғурта хизматларидан фойдалана олмайдиган кам таъминланган миқозларга суғурта хизматларини мослаштириш тушунилади. Аниқроғи, микросуғурта деганда кам таъминланган уй хўжаликларини

суғурта мукофотлари эвазига муайян рисклардан ҳимоя қилиш тушинилади, бунда суғурта қопламаларининг миқдори тегишли рискнинг юз бериш эҳтимоли ва қийматиغا мутаносибдир. Бу кам суғурта мукофотлари ва кам суғурта суммалари билан тавсифланадиган, ижтимоий суғурта тизимларига жалб қилинмайдиган кам даромадли аҳоли учун мўлжалланган рискларни камайтириш воситаси сифатида қаралади.

Ривожланган суғурта бозори ва тадбиркорлик соҳасига эга мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес рискларини суғурталаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Кичик бизнесни ривожлантириш билан бир қаторда, ушбу соҳада суғурта компанияларининг таъсири ҳам ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан, мамлакатда кичик бизнесни суғурталашни ривожлантириш ортда қолаётгани ушбу соҳада суғурта турларини жадал ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ушбу соҳада жиддий ўзгаришларни амалга ошириш кераклигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда ва бу ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида одатий ҳолга айланиши керак. Шундай қилиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рискларини комплекс суғурталашни лозим даражада ривожлантириш учун кўйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарур.

Яхши ривожланмаган андеррайтинг. Тадбиркорлик рискларини суғурталаш бу индивидуал жараён бўлиб, у суғуртага олинган рискларни тўлиқ баҳолайдиган ва суғурта мукофотини тўғри ҳисоблайдиган, хўжалик субъектлари билан суғурта шартномаларини тузиш имкониятига эга бўладиган малакали андеррайтерларни талаб қилади.

Суғурта компанияларига бўлган ишончнинг йўқлиги. Суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири бу миждозлар олдидаги мажбуриятларнинг бажаришидир. Ўз мажбуриятларини тезкор, профессионал ва виждонан бажариш суғурта соҳасининг мутлоқ ҳолатини белгилайди, бу эса аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида соҳага бўлган ишончини шакллантиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат суғурта компанияларининг обрўси бевосита ушбу омилларга, миждозлар олдидаги мажбуриятларнинг сифатли бажарилишига боғлиқдир ва уларнинг бажарилиши миждозлар томонидан баҳоланиб борилишидир.

Суғурта имкониятлари борасида тадбиркорларнинг маълумотларга эга эмаслиги. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолатининг хусусиятларидан бири бу хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта соҳасининг мавжуд имкониятлари тўғрисидаги маълумотлардан хабардор эмасликлари. Кичик бизнесни суғурталашга бўлган талабнинг йўқлигини асосан суғурта орқали рискларни бошқариш имкониятлари ва усуллари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, суғурта қоидалари ва шартнома шартлари, атама ва тушунчалари ҳар доим ҳам суғурталанувчиларга тушунарли бўлавермайди.

Суғурта тарифларини белгилаш, зарар миқдори ва суғурта қопламасини аниқлаш муаммоси. Баъзида тижорат ва тадбиркорлик рискларини суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотларининг тарифларини ҳисоблаш жуда қийин кечади. Бундан ташқари, суғурта ҳодисаси юз берганда

зарарни баҳолаш, ҳисоблаш жараёнлари бўйича аниқ методологик ёки стандартлар мавжуд эмас.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларга қўшимча равишда хусусий ва кичик бизнесни суғурталашни ривожлантиришга ва суғурта компаниялари фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа бир қатор муаммолар ҳам мавжуддир.

Биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнес учун юзага келиши мумкин бўлган моддий йўқотишларни (ёнғин, авариялар, ўғирлик) олдиндан билиш жуда қийин. Мумкин бўлган зарарлар оқибатларини камайтириш бу ҳар бир тадбиркорнинг ихтиёридадир. Бироқ, Ўзбекистон суғурта бозорида кўплаб суғурта компанияларининг мавжудлигига қарамасдан кўплаб тадбиркорлар суғурта хизматларидан фойдаланишга шошилмаяптилар.

Хусусий ва кичик бизнес фаолиятидаги рискларни суғурталаш турлари ривожланишининг муҳим омили сифатида суғурта бозори инфратузилмасининг паст даражада ривожланиши ҳисобланади. Суғурта субъектларининг (суғурта брокерлари, суғурта сюрвейерлари ва аджастерлар) суғурта жараёнлари, яъни суғуртага қабул қилинаётган объектлари баҳолаш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги иштирок этиши республикада қониқарли даражада эмас. Бироқ, халқаро амалиётда шуни кўришимиз мумкинки бу суғурта институтлари хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта бозорини ривожланишида ва фаолият кўрсатишида муҳим рол ўйнайди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, юқоридаги муаммоларга қарамай, тадбиркорлик рискларини суғурталаш аста-секинлик билан ривожланиш босқичига ўтмоқда. Хусусий ва кичик бизнесни суғурталаш турларини ривожлантиришда суғурта компаниялари ёки кичик бизнес субъектлари орқали давлат томонидан бир хил рағбатлантириш ушбу соҳа ривожланишига катта тurtки бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, суғурта компаниялари юқорида кўрсатилган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишлари керак, сабаби ушбу суғурта турига тўғри ёндашиш натижасида суғурта компаниялари мамлакатнинг молия тизимида ўз фаолиятларини кенгайтиришлари ва асосий фаолиятдан олинадиган даромадларини сезиларли даражада оширишлари мумкин. Шунга кўра, хусусий ва кичик бизнеснинг рискларини комплекс суғурталашни ривожлантириш бу ҳар иккала томон учун ҳам бирдек фойда келтириш табиийдир.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда хусусий ва кичик бизнесни суғурталаш соҳасида кўплаб муаммолар мавжуд, уларни ҳал қилишда суғурта компанияларининг ҳам, давлатнинг ҳам, шунингдек, хусусий ва кичик бизнес вакилларининг бирдек иштирокини талаб этилади. Суғурта компаниялари тадбиркорлар билан ишлашга алоҳида аҳамият беришлари, уларга суғурталашнинг афзалликларини тушинтиришлари билан бир қаторда компаниянинг ички бизнес жараёнларини тўғри ташкил этиши ва мижозлар талабини тўла қонли қондиришга ҳаракат қилиши лозим. Давлат доимий равишда қонунчилик тизимини такомиллаштириши ва бизнесни қўллаб-

кувватлаш борасида ташаббускор фаолият олиб бориши керак. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда суғурта компаниялари тадбиркорлик рискларини суғурталаш бўйича янги суғурта турларини фаол равишда ишлаб чиқиб миждозларга таклиф қилишмоқда, бундан шундай хулоса қилиш мумкинки кейинги йилларда суғурта бозорининг ушбу сегментида суғуртанинг қамровлиги бир неча баробар кўпайишини кўтиломоқда.

Хорижда хусусий ва кичик бизнс муваффақиятли ривожланиб ва доимий равишда такомиллашиб келмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда давлат бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилмайди, балки уни такомиллаштириш орқали жамият манфаатларини қондиришда ёрдамчи сифатида фойдаланади. Хусусий ва кичик бизнесга давлат даражасида қатта ёрдам кўрсатилмоқда, кўплаб имтиёзлар тақдим этилмоқда, шу жумладан суғурта соҳасида ҳам. Шунингдек, хорижий амалиётда хусусий ва кичик бизнсни рискларини суғурталашда учун турли хил муқобил усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, буларга анъанавий суғурта, ўзаро (кэптив) суғурта ва микросуғуртани ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунга кўра, ҳар бир хорижий тажриба Ўзбекистон учун хусусий ва кичик бизнсни суғурталаш амалиётини такомиллаштиришда кенг имкониятларни яратиши табиийдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Набугорнова В. Н. Риски в деятельности малого и среднего предпринимательства и способы их минимизации // Молодой ученый. - 2015. - №11.3. - С. 60-63.

2. Бокарева Е. В., Силаева А. А., Дуборкина И. А. Развитие малого бизнеса в России: проблемы и пути решения // Сервис в России и за рубежом. 2016. Т. 10. № 1 (62). С. 174–185.

3. Силаева А. А. Особенности имущественного страхования субъектов малого бизнеса: взаимодействие страхователя и страховщика // Сервис plus. Т. 11. 2017. № 2. С. 57-65. DOI: 10.22412/1993–7768–11–2–7.

4. Renáta Myšková and Veronika Doupalová. Approach to Risk Management Decision-Making in the Small Business/ Procedia Economics and Finance 34 (2015) 329 – 336 p.

5. Успенский В.А. Управление риском: как эту проблему трактует современная экономическая теория. Мир новой экономики. 2007. №2 с. 29-48.

6. Karimova K. Studying foreign experience of risk insurance of private and small entrepreneurship. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. Pages 3897-3902.

7. <http://www.sme-events.com/business-advice-article/the-9-reasons-why-businesses-fail>.

8. <https://www.sba.gov/advocacy/small-business-economy>.

9. <http://smallbusinesses.ru/content/16/3/>.

Swift J. Hiscox: German SMEs have better insurance understanding than Brits // <http://www.insuranceinsight.eu/insurance-insight/news/2085714/hiscox-german-smes-insurance-understanding-brits>.